

TOSHKENT HAQIQATI

2025-yil
26-iyul
SHANBA
№ 55 (13816)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

МУЛОҚОТ, МУҲОКАМА, ТАКЛИФ



Бўстонлиқ туманидаги "Green Hills resort" дам олиш мажмуасининг анжуманлар уйида Тошкент вилояти тадбиркорлар кенгашининг навбатдаги мулоқоти бўлиб ўтди.

Бу галги мулоқот давра суҳбати форматада ўтказилди. Унда Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давра суҳбати

Биргина Тошкент вилояти мисолида айтиладиган бўлса, 2025 йил 1 июль ҳолатига кўра ҳудудда тадбиркорлик субъектлари 38 минг 511 тани ташкил этган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3 минг 269 тага кўп демакдир.

Тадбирда, шунингдек, Юқори Чирчиқ туманидаги собиқ ковид карантин маркази ўрнида текстиль корхоналари жойлаштирилиши, вилоятда замонавий кимё саноатини ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Мулоқотда кенгаш аъзоларининг таклиф ва ташаббуслари эшитилди. Унда вилоятда тадбиркорлик муҳитини янада кучайтириш, бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳусусида сўз борди.

Ўз муҳбиримиз

Сафар таассуротлари

Жорий йилнинг 14-20 июль кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида Умумхитой журналистлар ассоциацияси ҳамда Цзянси провинцияси бош ташкилотчилигида "Матбуотнинг кучи: цивилизациялараро мулоқот ва глобал модернизацияга журналистларнинг таъсири" мавзусида халқаро медиафорум ўтказилди. Унда АҚШ, Германия, Бразилия, Франция, Аргентина, Россия, Туркия каби дунёнинг олтига яқин давлатидан юз нафардан зиёд Журналистлар уюшмалари раҳбарлари (баъзи давлатларда уюшма эмас, бошқача номлар экан) ҳамда жаҳонга машҳур оммавий ахборот воситаларининг етакчи вакиллари иштирок этишди.

ДУНЁ ЖУРНАЛИСТЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН МЕДИАФОРУМ



Тақлифга мувофиқ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан Умумхитой журналистлар ассоциацияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик келишувидан белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мазкур медиафорумда қатнашдик.

Ушбу йирик тадбир доирасида "Журналистикада сунъий интеллект", "Цивилизациялар ўртасидаги диалог" каби мавзуларда семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда халқаро медиа майдондаги энг сунъий янгилликлар, айни кунги журналистикадаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечими бўйича фикр алмашилди. Фурсатдан фойдаланиб, халқаро анжуманининг глобал аҳамияти, унинг дунё замонавий журналистикаси учун муҳимлиги борасида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдириб, таклиф ва тавсияларни ўртага ташладик.

Мулоқотларда бутун дунёда тинчликни таъминлаш, турли миллат ва эллар ўртасида ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, журналистлар тараққиётга муносиб ҳисса қўшиши бўйича ҳам сўз юритилди.

Иштирокчилар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар билан ҳам таништирилди, Цзянси провинциясига қарашли Гуанчжоу ва Нанчанг шаҳарлари, Лушан тоғ ҳудуди бўйлаб экскурсиялар ташкил этилди.

Айтиш мумкинки, ушбу форум турли давлатлар журналистлар уюшмалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, ўзаро мулоқот ва тажриба алмашиш учун қулай шароит яратди.

Бугун хориз тилларини билмасангиз ҳам махсус қурилма ва таржимон дастурлари орқали турли тилли хамкасблар билан бемалол суҳбатлашиш имкони яратилган. Ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, Уюшма масъули сифатида Умумхитой, Россия, Беларусь, Қирғизистон Журналистлар ташкилотлари раислари Хе Пинг, Владимир Соловьёв, Андрей Кривошеев, Азамат Касимбеков ва бошқа хамкасбларимиз билан хамкорлик алоқаларини ривожлантириш бўйича мулоқот қилиб, келгусида биргаликда амалга ошириладиган ишларни келишиб олдик.

– Тошкент вилояти – улкан имкониятлар манзили, – деди вилоят раҳбари. – Биз бугун ҳар бир шаҳар ёки туманининг драйверидан келиб чиқиб, шунга ёндош соҳаларни ривожлантиришга ургун қаратялмиз. Масалан, "Тошкент денгизи" шуҳратини тиклаш, масканни

гавжум туризм марказига айлантириш бўйича давлат-хусусий шериклик тартибиде ишлашга тайёрмиз.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда республикамизда тадбиркорларга катта эътибор қаратилмоқда. Бугун юртимизда фаолиятини энди бошлаган

тадбиркорга барча турдаги солиқлар, божхона тўловлари ҳамда кредит расмийлаштиришда катта имтиёзлар берилмоқда. Ўз навбатида, бундай имкониятлар натижасида тадбиркорлик субъектлари сони бир неча баробарга ортди.

Viloyat bo'ylab

NURAFSHON shahridagi Bobur nomli ko'chaga taдбирkorlar tomonidan noqonuniy o'rnatilgan reklama bannerlari yuzasidan tegishli tashkilotlar ishtirokida targ'ibot va tushuntirishlar berildi. Shuningdek, taдбирkorlarga tashqi reklama faoliyatini tartibga soluvchi amaldagi qonunchilik normalari batafsil tushuntirildi. Ya'ni, reklama konstruksiyalari mas'ul tashkilotlar bilan kelishilgan holda o'rnatilishi lozimligi ta'kidlandi.

YANGIYO'L tumanidagi 51 ta mahalla raisiga xizmat guvohnomasi va ko'krak nishonlari topshirildi. Shu munosabat bilan tashkil etilgan taдбирborda tuman hokimi, mahallani qo'llab-quvvatlash kengashi raisi O.Ataullayev qantashdi va barchaga o'zining etguz tilaklarini bildirib, kelgusi ishlariga rivoj tiladi.

QUYI CHIRCHIQ tumanida Ijtimoiy himoya milliy agentligi Toshkent viloyati boshqarmasi vakillari hududlardagi "Inson" ijtimoiy xizmatlar markazi xodimlari va mahallalarda faoliyat yuritayotgan kompleks ijtimoiy xizmat ko'rsatuvchi mutaxassislar bilan ochiq muloqot o'tkazishdi. Uchrashuvda sohaga oid qaror va farmonlarning joylardagi ijrosi, ijtimoiy xodimlarning kundalik faoliyati yuzasidan fikr almashildi, hisobotlar tinglanib, vazifalar belgilab olindi.

TOSHKENT tumanidagi "Gulzor" madaniyat markazi tomonidan yozgi ta'til kunlarini mazmunli tashkil etish va yosh avlodni jismonan chiniqtirish maqsadida "Sog'lomjon - Polvonjon" musobaqasi tashkil etildi. Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarga mo'ljallangan ushbu musobaqa sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish barobarida kichikintoylarning jismoniy faolligini oshirishga xizmat qiladi.

BO'STONLIQ tumanining "Nanay" mahallasi hududida joylashgan 14-sonli oilaviy poliklinika binosida "Nanay", "Sijjak", "Bog'iston", "Boladala" mahallalari aholisi uchun tor soha mutaxassislari tomonidan bepul chuqurlashtirilgan tibbiy ko'rik tashkil etildi. Aniqlangan kasalliklar bo'yicha fuqarolarga maslahatlar berilib, davolanishga yo'naltirildi.

O'RTA CHIRCHIQ tumani hokimi I.Kasimov "Haqiqat" hududidagi dehqon va fermer xo'jaliklari vakillarining murojaatini joyiga chiqib o'rgandi. Murojaat yuzasidan Toshkent magistral kanalidan suv oluvchi dehqon va fermer xo'jaliklariga ayni kunlarda yetarli miqdorda suv yetkazib berish bo'yicha mas'ullarga tegishli topshiriqlar berilib, ijrosi nazoratga olindi.

Олис манзиллар нурга тўлмоқда

Охириги йилларда Тошкент вилояти ҳудудларида электр таъминотида узлишларнинг олдини олиш, узлуксиз ишлашни таъминлаш ва аҳолига бу борада қулайлик яратишга қаратилган ишлар ўз натижасини бермоқда.

Хусусан, барча туман-шаҳарларда аҳолини узлуксиз электр энергия билан таъминлаш учун тезкор бригадалар 24 соатлик иш режимида ўтказилган. Қолаверса, 2025-2026 йиллар куз-қиш мавсумини бета-лафот ўтказиш мақсадида 633 нафар ходимдан иборат 186 та таъмирлаш бригадалари ташкил этилди. Уларга 56 та махсус техника ва 112 та автомашиналар бириктирилган.



Президент топшириғи амалда "Саноат учбурчаги": тадбиркорлар учун кенг имконият

Олмалиқ шаҳрида ОКМК ҳамда Тошкент вилояти ҳоқимлиги ҳамкорлигида "Саноат учбурчаги" дастури ижроси юзасидан тадбиркорлар учун навбатдаги семинар ўтказилди.



Томорқачилик "Дархон" – гулчилар маҳалласи

Маҳалланинг ўсиш нуқтаси тўғри танланса ва қўллаб-қувватланса, натижа қутилганидек бўлади. Янгийул туманидаги маҳаллаларда бу масалага тўғри ёндашилгани сабабли ижобий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, "Дархон" маҳалласининг драйвери – гулчилик. Бу аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромadini ошириш, шунингдек, турмуши фаровонлашишида муҳим омил бўлмоқда.



▼ Сарҳисоб

Қибрай туманида Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти Кенгашининг IX ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев, вилоят ҳокими Зойир Мирзаев, вилоятдаги ташкилот ва корхоналар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

зидди. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва аёлларга кўрсатилган ёрдамлар миқдори 10 миллиард сўмдан ошди.

2020-2025 йиллар давомида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармалари билан ҳамкорликда 2

меҳнатга қарши курашиш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилди. Пахта мавсумида Миллий мониторинг гуруҳи томонидан 2 мингдан ортиқ теримчининг 3 миллиард сўмга яқин ҳақ тўловлари ундирилиши таъминланди.

Соҳа ходимларини маданий ҳаётга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида "Саломатлик спартакиадаси", "Беш ташаббус олимпиадаси" каби турли спорт тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, 227 минг нафар бола соғломлаштириш оромгоҳларига юборилди. Ушбу мақсадга ижтимоий

ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, Тошкент вилояти Кенгаши томонидан Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти касаб уюшмалари кенгаши билан имзоланган ҳамкорлик шартномалари доирасида ҳисобот даврида 5 мартаба трансчегаравий масалалар бўйича семинарлар, тажриба алмашиш бўйича ташрифлар доирасида ҳамкорлик тадбирлари ўтказилди.

Конференцияда тафтиш комиссияси фаолияти ҳақида ҳам ахборот берилди ва келгуси беш йиллик фаолият учун

РЕЖАЛАР РЎЎБИ УЧУН ЗАМИН

Конференцияда вилоят касаб уюшмалари Кенгаши раиси Сайёра Файзиёва 2020-2025 йиллар мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда вилоятда 3 минг 263 та касаб уюшма ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларга аъзо бўлганлар сони 584 минг 134 нафарга етган, бу 2020 йилга нисбатан 245 минг нафардан зиёд ўсиш бўлганини кўрсатади. Фақат ўтган йилнинг ўзида 100 мингдан зиёд янги аъзо касаб уюшмалари сафига қўшилган. 2025 йилда эса бу рақамни яна 95 минг нафарга ошириш режалаштирилмоқда.

Жамоа шартномаларининг ижроси ҳам йил сайин яхшиланиб бормоқда: 2020 йилда 98,5 фоиз бўлган ижро даражаси 2024 йилда 99,5 фоизга еткан

мингга яқин меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, 16 минг 653 нафар фуқаро доимий иш ўрнига жойлаштирилди. Шунингдек, 5 минг 800 дан зиёд корхона ва ташкилотларда иш ҳақи бўйича мониторинг ўтказилиб, 33 миллиард сўмлик қарздорлик ундирилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Меҳнат шартномаларини яхшилаш, касб касаликларни профилактикаси ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида вилоятда 2 минг 15 та ўқув семинар ва давра суҳбатлари ташкил қилинди. Жамоатчилик назорати натижасида 2,5 мингдан ортиқ қонунбузарликлар аниқланиб, 47 минг нафар фуқаронинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди, 7 миллиард сўмлик маблағ ундирилишига эришилди.

Болалар меҳнати ва мажбурий



сугурта, касаб уюшмалари, ҳомийлар ва ота-оналар ҳиссаси билан 90,8 миллиард сўм сарф этилди.

Вилоят касаб уюшмалари томонидан хорижий давлатлар касаб уюшмалари билан ўзаро манфаатли фаол ҳамкорликни ривожлантириш

устувор вазифалар белгилаб олинди.

Муқобиллик ва аширин овоз бериш асосида, ҳолислик руҳида ўтган конференцияда вилоят Кенгаши раиси, раис ўринбосарлари сайланди.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

**"САНОАТ УЧБУРЧАГИ":
ТАДБИРКОРЛАР УЧУН
КЕНГ ИМКОНИАТ**

Маълумки, Президентимиз 2024 йил октябрь ойидаги Тошкент вилоятига ташрифи доирасида ҳудуд фаоллари билан мулоқотда Ангрен, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари, Пискент ва Оҳангарон туманларининг вилоят саноатидоги улусини юқори баҳолаган эди.

Бу ҳудудларда ишлаб чиқаришни кооперация ва кластер асосида ташкил этиш учун мутлақо янги тизим – "Саноат учбурчаги" дастурини тайёрлашга қарор қилинган эди. Ҳозирда шу асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Семинарда вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси Умид Убайдуллаев, "Олмалиқ КМК" АЖ маҳаллийлаштириш бўлими бошлиғи Аббос Абдуллаев, Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги масъуллари ва ҳудудда фаолият юритиб келаётган 20 дан зиёд тадбиркорлар иштирок этишди.



Учрашувда тадбиркорлик субъектлари ва саноат корхоналари ўртасида кооперацияни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда "Саноат учбурчаги" доирасида янги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда тадбиркорларга Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг фаолияти ҳамда импорт қилинадиган маҳсулотлар бўйича батафсил маълумот берилди. Ишбилармонлар ўз фаолиятини янада кенгайтириш ва ОКМК билан ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятларига эга экани таъкидланди.

Очик мулоқот тарзида ўтган семинарда ОКМК мутахассислари билан бир қатор корхоналарнинг вакиллари ўртасида музокаралар олиб борилди. Жумладан, "Vitrage group" МЧЖ, "Sanoat oqneuro butlov" ва "National stone" корхоналари вакиллари билан ташкил этилган мулоқотлар чоғида ҳамкорлик имкониятлари аниқлаб кўриб чиқилди. Яъни, ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган метизлар, кислотга бардошли композитли армирланган панжара маҳсулотларига комбинатда эҳтиёж борлиги билдирилди.

Маълумот учун, дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2024 йилнинг ноябрь ойида ишлаб чиқаришни кооперация ва кластер асосида ташкил этиш – "Саноат учбурчаги" дастури асосида ОКМКда импорт маҳсулотлари ярмаркаси ўтказилган эди. Унда маҳаллий тадбиркорлар билан бир қатор импорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича келишувларга эришилди.

Ўз муҳбиримиз

Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги "Камбағалликдан – фаровонлик сари" дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан жорий йил бошидан бери Тошкент вилояти "Худудий

831 дона бетон таянчлар ўрнатиш режалаштирилган эди.

– Қарорга кўра, биргина Оҳангарон туманида кенг қўламли ишлар бажарилмоқда, – дейди туман электр таъминоти корхонаси бош муҳандиси Санжар Мўминов. – Худуддаги 6

учун электр таъминотида муаммо бўлмаслигига ҳаракат қилмоқдамиз.

Масалан, Овжасой қишлоғи туман марказидан 20 километр узоқликда жойлашган бўлиб, кўп йиллардан бери аҳолини эскирган симёғочлар қийнар эди. Энди бу

**Олис манзиллар
НУРГА ТЎЛМОҚДА**

электр тармоқлари" АЖ "Худудий қуриш-монтаж дирекцияси" филиали Тошкент бўлими томонидан жойларда 476,7 километр ҳаво линиясини реконструкция қилиш ва 94 дона трансформаторлар ҳамда 12 минг

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

та маҳаллада 1 минг 416 та темир-бетон таянчлар ўрнатилиб, 33 километр кабель тортиш, 4 дона янги электр трансформатори ўрнатиш белгиланган эди. Шу кунларда иш режа бўйича қилинмоқда. Асосий мақсад куз-қиш мавсумида аҳоли

муаммо ижобий ҳал этилиб, темир-бетон устунлар ўрнатилмоқда. Маҳалла раиси Мухриддин Бўтабоевнинг айтишича, симёғочлар носоз аҳволга келгани туфайли совуқ кунларда электр таъминотида кўп узиллишлар бўлган. Шунингдек, тумanning энг олис ҳудуди ҳисобланган "Шовғоз" маҳалласида ҳам темир-бетон устунлар ўрнатилиб, янги трансформатор ишга туширилди.

Шунингдек, тумanning энг олис ҳудуди ҳисобланган "Шовғоз" маҳалласида ҳам темир-бетон устунлар ўрнатилиб, янги трансформатор ишга туширилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

"Дархон" – гулчилар маҳалласи

– Сўнгги йилларда маҳаллаларда аҳолини иш билан таъминлаш, турмуш шартини яхшилашга жиддий эътибор қаратилмоқда, – дейди маҳалла хотин-қизлар фаоли Саодат Нишонбекова. – Маҳалладошларимизнинг аксарияти гул парварлиш билан шуғулланишди. Улар ўз меҳнати орқали ҳам рўзгорини бутлапти, ҳам бошқаларга намуна бўлишмоқда. Баъзилари иссиқхонада турли гуллар ўстиришса, бошқалари гулларни бозорга чиқариш, кўчаларни гулзор қилиш билан шуғулланишди. Уларнинг сазў-ҳаракатлари билан маҳаллада иқтисодий фаоллик ортапти, шунингдек, атраф обод ва кўламазорга айланмоқда. Маҳалладаги 802 та хонадонда 1 минг

10 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улардан 750 таси гулчилик билан шуғулланади. Қолганлари турли сабзавотлар ва кулпунга етиштирилади, чорвачилик билан шуғулланади.

Суннатилла Юсупов ва Рўза Мирзахоловалар 18 йилдан бери 10 сотих майдонда 20 га яқин гул турларини парваришлашди.

– Гул етиштириш машаққатли, лекин сердаромад иш, – дейди Рўза Мирзахолова. – Мавсумга қараб турли гул кўчатлари ўзига хос парваришланади. Гулчилик билан шуғулланиш учун ҳам билим олиш, излаш, ўрганиш керак. Яна сабрли бўлиш лозим. Шундагина яхши даромад топа олади. Маҳалламизда етиштирилаётган гул, ме-



вали ва манзарали дарахт кўчатларини республикамизнинг турли вилоятларидан келган харидорлар сотиб олишади. Бундан ташқари, кўчатларни қўшни Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларига экспорт қиламиз.

Дарҳақиқат, маҳалладаги қайси бир хонадонга кирмайлик, турфа, бир-биридан гўзал гуллар ва манзарали дарахт кўчатла-

рини кўриб баҳри-дилимиз яйради, кайфитимиз кўтарилди.

– Ҳозир ҳаракат қилган одам учун имкониятлар етарли, – дейди Нурмурод Тўхтабоев. – Ёшлигимдан гулчиликка қизиққанам учун бора-бора уни даромад манбаига айлантирдим. Ҳовлимдаги томоркамда аввал ёғочдан иссиқхона қургандим, кейинчилик кредит олиб, замонавийлаштирдим.

Айни пайтда 20 хилга яқин гулларни парваришляпман. Бор орзу-ҳавасларимизга меҳнатимиз ордидан эришляпмиз. Маҳалладошлар билан аҳилмиз. Гул парваришда ҳам бир-биримиздан маслаҳатимизни аяммаймиз.

Маҳаллани тарқатар эканмиз, нияти хайрли, меҳнатдан қочмайдиغان одамлар фаровон яшаши, ён-атрофларини эса гулзор боғларга айлантиришига яна бир бор амин бўлдим.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолдин ЭСОНОВ
оладин суратлар

**ДУНЁ
ЖУРНАЛИСТЛАРИНИ
БИРЛАШТИРГАН
МЕДИАФОРУМ**

Хитойга сафаримизнинг иккинчи кунини "Олтин қалам" XVI миллий мукофоти учун халқаро танловнинг "Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун" номинацияси 2-ўрин соҳиби, покистонлик Халид Таймур Акрам билан қўришиб, суҳбатлашдик.

– Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида очилгани, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, соҳа ходимларини рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлардан яхши хабардорман. Мамлакатингизда амалга оширилаётган ана шу ишларга оид материалларим турли тилларда эълон қилиб берилмоқда, – деди Халид Таймур Акрам. – Кўп давлатларда бўлганман. Биласиз, соҳамиз ходимлари ўртасида турли танловлар ўтказилади. Аммо мен шу пайтгача сизларда ҳар йили ташкил этиладиган "Олтин қалам" халқаро танловидоғидек, танлов ғолиби – журналистга энгил автомобиль берилганини эшитмадим. Албатта, бу давлатингиз раҳбарининг медиа соҳа вакилларини моддий қўллаб-қувватлашга қаратаётган алоҳида эътибори намунасидир.

Халқаро медиафорум ҳақиқатан ҳам юқори савияда ташкил этилди. Ташкилотчилар беш китъадан келган соҳа масъуллари ва ОАВ ходимларини беш гуруҳга бўлди. Улар беш йўналиш бўйича тадбирларда иштирок этдилар. Яқинда эса ҳамма жам бўлди. Бу ерда рамзийлик шуки, бешга бўлинган журналистлар гўёки инсон қўли бармоқлари. Уларда дунё журналистлари бирлашса, мушкетер бақувват ва кучли бўлади, деган ғоя муҳасамдир.

Маълум қилинганидек, бу йил саккизинчи бор ўтказилган ушбу йирик тадбир иштирокчилари сони ва географияси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Халқаро медиафорум якунига бағишланган тантанали тадбирда бир қатор давлатлар медиа ту-

зилмалари, жумладан, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Халқаро Журналистлар уйига аъзо бўлганлиги эълон қилинди.

Ушбу аъзолик уюшмага нима беради, деган савол туғилиши мумкин. Таъкидлаш жоиз, Халқаро Журналистлар уйи дунёдаги журналистлар билан ишловчи тузилмаларни бирлаштирувчи платформа ҳузуридо фаолият олиб боради. Мазкур платформа юқоридо таъкидлаганимиздек, юздан ортиқ давлатлар журналистлар уюшмаларини жамлаган. Уларнинг сони кўпайиб бормоқда. Уюшмамизнинг унга аъзо бўлгани бизга биринчи навбатда халқаро ҳамкорлик учун кенг имкониятлар эшигини очди. Бошқача айтганда, ташкилотимизнинг халқаро майдондаги нуфузини оширади. Шунингдек, журналистларимизнинг хориж давлатлари медиа тузилмаларига бориши, тажриба алмашиши таъминлаш масалаларида Уюшмамизнинг кўмаги янада ортади, ўрни мустаҳкамланади.

Шу ўринда мазкур халқаро медиафорум Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси учун ҳам ҳар жиҳатдан самарали бўлди, дейиш мумкин. Негаки, йирик анжумандан унумли фойдаланган ҳолда Ўзбекистон билан дунё мамлакатлари ўртасида журналистика, медиа соҳачилар беш китъадан келган соҳа масъуллари ва ОАВ ходимларини беш гуруҳга бўлди. Улар беш йўналиш бўйича тадбирларда иштирок этдилар. Яқинда эса ҳамма жам бўлди. Бу ерда рамзийлик шуки, бешга бўлинган журналистлар гўёки инсон қўли бармоқлари. Уларда дунё журналистлари бирлашса, мушкетер бақувват ва кучли бўлади, деган ғоя муҳасамдир.

Маълум қилинганидек, бу йил саккизинчи бор ўтказилган ушбу йирик тадбир иштирокчилари сони ва географияси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Халқаро медиафорум якунига бағишланган тантанали тадбирда бир қатор давлатлар медиа ту-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Шоир руҳи Бекободда шод бўлди



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказилаётган «Долзарб 90 кун» лойиҳаси доирасидаги тадбирлар Бекобод туманида ҳам алоҳида мазмун ва кўлам касб этмоқда.

▼ Маърифий кеча

Куни кеча туман Маданият марказида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ижодий меросига бағишлаб ўтказилган маънавий тадбир кўпчиликлари манзур келди.

Устоз шоирнинг рафиқаси Ҳанифа Мустафоева, Мудрофаа вазирининг ватанпарварлик тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, шоир Олим Ҳасанов, юридик фанлари доктори, профессор Бобоқул Тошев, суз санъаткори Раҳимбой Жуманиёзов, филология бўйича фалсафа фанлари доктори Дадаҳон Муҳамма-



диев, таниқли шоир Шухрат Ориф иштирокидаги маърифий кечада Абдулла Ориповнинг шахси ва шеърятининг бетакрор жиҳатлари ҳақида гўзал эсдалик ва хотиралар ёдга олинди.

Тадбир давомида "Ҳар мактабга 100 китоб" ташаббусига мувофиқ, тумандаги 10 та умумтаълим макта-

бига мингта китоб тақдим қилинди.

Маърифий кечада туман ҳокими Зайнилобиддин Низомиддинов иштирок этиб, бундай самимий ва хотиралар ёдга олиниши ижодий мулоқотлар бардавом бўлишига умид билдирди.

Ўз мухбиримиз



LOYIHA VA TASHABBUSLAR AMALDA



Yoz mavsumi – bu nafaqat bolalarning hordiq chiqarish va dam olishi uchun qulay davr, balki ularning bo'sh vaqtini mazmunli, samarali va tarbiyaviy jihatdan boyitilgan shaklda tashkil etish imkoniyatidir.

▼ Dolzarb 90 kun

ning boshqa turlari bo'yicha musobaqalar o'tkazildi. Bolalar ayniqsa, kamondan otish musobaqasida faol ishtirok etishdi.

Bundan tashqari, yoshlarni kitob o'qishga qiziqitirish orqali ularning intellektual salohiyatini oshirish maqsadida "Vatan kelajagi uchun barchamiz daxldormiz!" mavzusida davra suhbat o'tkazildi.

Bu kabi tadbirlar o'quvchi-yoshlarning erkin fikrlashi, jamoada boshqaruvchanlik xususiyatlarini shakllanishiga xizmat qiladi.

О'ЗА

Shu maqsadda yurtimiz bo'ylab keng miqyosda amalga oshirilayotgan "Dolzarb 90 kun" tashabbusi har tomonlama yetuk, sog'lom va vatanparvar avlodni voyaga yetkazishga xizmat qilmoqda.

Mazkur tashabbus doirasida viloyatimizda joylashgan oromgohlarda Milliy gvardiya Toshkent viloyati bo'yicha boshqarmasi bir qator tashkilotlar bilan hamkor-

likda sport, madaniy ko'ngilochar tadbirlarini tashkillashtirib, bolalarning jismonan chiniqushlari va bilimlarini oshirishlariga alohida e'tibor qaratmoqda.

Ana shunday vatanparvarlik tadbirlarining navbatdagi O'zbekiston yoshlar ittifoqi Toshkent viloyati Kengashi bilan hamkorlikda tashkil etildi.

Tadbir davomida yoshlar uchun kamondan otish, shaxmat-shahka hamda sport-

– Менга кимнинг раҳми келади, янга? У ёқда "РайПо" (туман таъминот-савдо идораси) дагилар нақд пул тушмаса мол бермаймиз, дейди. Бу ёқда дафтарга ёзинг, дейсизлар. Дафтар ҳам тўлиб кетди-ку. Ахир бу давлатнинг моли бўлса, сўраб қолса қаердан тўлайман, тушунинглар, – дагдалага ўтди дўкончи.

– Ўлсин, бу йил қиш ҳам оғир келди, тезроқ тугасайди. Тоғангизни ҳам аҳволи оғир. Тузукроқ бир нарса қилиб беришга қурбимиз етмайди. Ўтган куни борсам, дўхтирлар ваҳима қилиб "қишдан чиқадими, йўқми?",

– Бошқа ҳеч нарса керак эмасми? – Йўқ, – деди Қобил.

– Отанг ароқ-пароқ олиб кел, деб айтмадим, – гап ташлади Ярашбой ўзига ярашмаган совуқ оҳангда.

– Отам ароқ ичмайди, – деди Қобил.

– Қачондан бошлаб, отанг сўфи бўлиб қолди, – товушини баландлатди Ярашбой. – Ўтган куни судралиб келаётган эди-ку!

– Хў, бола. Пулини тўлаб, нарсаларни олиб, жўна. Совуқда қалтираб турма, – деди Раҳим Тош вазиятни юмшатиб.

– Дафтарга ёзиб қўйинг, амаки, – деди Қобил мулоим овозда.

– Отангиз ичмини ташлаган бўлса, пулни нима қўйяйсизлар? Маҳмадоналик қилгунча, пулни тўлагин, – деди Ярашбой жаҳл аралаш. Сўнг қўшиб қўйди: – Мунча тилинг бир қарич, сен болани? Оталари ичмас эмиш. Бутилкага кириб ётади-ку!..

– Сенга неча марта айтдим. Ҳар гап келганинда пул тўлаш керак, деб қулоқсиз экансан, – деди-да, Раҳим Тош тўрхалтани шартта олиб, пештахта остига қўйди. – Бор отангга айт. Ичмини ташлаган бўлса, пулни тўлаб олиб кетсин.

– Ҳа-да, отанг ишлаб, пул топиб, болаларини боқмайди, – яна гапга аралашди Ярашбой гулгиллаб.

Қобил индамай тош қотиб тураверди. Унинг оловдай ёнган кўзларида гилгиллаб бошлаган алам, нафрат ёшларини кўриб, Раҳим Тошнинг раҳми келди. Пештахта остидан тўрхалтани аста олиб, унга узатди.

Бу лаянати "қарз дафтари"ни Қобил ёки унинг ота-онаси уйлаб топмаган эди. Буни Раҳим Тош яхши биларди. Одамнинг гурурини, ор-номусини, кадр-қимматини ерга урадиган бу бахти қаро дафтари коммунизм қуришга бел боғлаган шўро тўзуми одамларга ҳада қилган эди.

Қобил дўкондан қайтишида совуқни мутлақо сезмас, бутун вужуди аланга олиб, шитоб ва нафрат билан кетиб борарди... Агар йўлидан "қарз дафтари" чиқиб қолса, уни бор кучи билан босиб-янчиб кетишга тайёр эди.

Ашуралӣ ЖўРАЕВ

Ўтмишдан ҳикоялар

Юрагида оғир жароҳат бўлиб қолган бу аламли воқеа, унинг болалигидан рўй берган эди. Ушанда саккизинчи синфда ўқир, шўро тузумининг номи улғу супраси қуруқ даврлари эди.

– Ўша йили қиш жуда қаттиқ келди. Ўтинга мўлжалланган дарахт гўлалари, кундалари музлаб қоларди. Ўтинни ёриш учун болта урсанг сирпаиб кетарди. Молларга сув бериш ундан-да азоб эди. Ер қудуқдан сув чиқаришни айтмаса ҳам бўлади. Музлаб қолган қран қувурини камида уч-тўрт соат олов ёқиб эритар эди. Булар азоб-укубатнинг кириш қисми эди...

– Ўғлим бориб дўкондан икки кило оққанд олиб кел. Раҳим Тош акага айт, "қарз дафтари"га ёзиб қўйсин. Ҳаммасини бир қилиб тўлаймиз, – деди отаси.

– Болам, бир кило қўқ чой ҳам қўшиб ол, унйам дафтарга ёзиб қўйсин, – деди онаси.

Бу Қобил учун жуда ёқимсиз ва мушкул юмуш эди. Сўнги пайтларда дўконга бориш, "қарз дафтари"га ёзириб нарса олиб келиш, ниҳоятда азоб эди. У дўкончи Раҳим Тошнинг ҳам, унинг тартибсиз дўконини ҳам ёмон кўрарди. Шу боис "ҳа" ҳам, "йўқ" ҳам демасдан қовоғини уйиб, индамай қийна бошлади. Ўтган гап "бормайман", дегани учун отаси қаттиқ койиған эди.

Аслида унинг устига қиядиган тузукроқ иссиқ қийими ҳам йўқ. Отаси қиш кирмасдан олдин кўнжли ботинка олиб бераман, деган эди. Бундай ваъдалар ҳар йили қиш кириб келишдан олдин берилар, ва айрилган жойида қолиб кетарди.

Қобил эгнига отасининг эски фуфайкасини ташлаб, оёғига онасининг патак солинган қалишини олиб кетмоқчи бўлди-ю, шаштидан қайтди. Тинчлик керак. Мабодо онасининг "ҳе, оёқчанг синсин", деган ёқимли овози отасига етиб борса, тандирхона бурчагида турган олақалтак уйғони кетади. Кетади-ю, лекин шафқат қилмайди. Оёғингга тегадими, елканггами, бошинггами худо билади?.. Бу

қалтак болаларга аталган оиланинг меҳр тўла совғаси эди...

Дўкончи Раҳим Тош оғир, кесатиқ гапларни айтмасдан унга нарса бермайди. У киши дафтари эшитиши билан: "Сенларга дафтар резинка эмас, ҳадеб чўзадиган. Шундоқ ҳам тўлиб кетди, тўлаб қўйинглар. Отангга айт, келиб тўлаб кетсин!" – деб дўкондаги харидорлар олдида изза қилади, одамни ерга уради", – деб отасига айтмоқчи бўлди-ю, индамади. Ҳар галидек отасининг жаҳлини чиқаришни истамади. Отаси гап қайтаргани ёмон кўрарди. Жаҳли билан

– Ўлсин, бу йил қиш ҳам оғир келди, тезроқ тугасайди. Тоғангизни ҳам аҳволи оғир. Тузукроқ бир нарса қилиб беришга қурбимиз етмайди. Ўтган куни борсам, дўхтирлар ваҳима қилиб "қишдан чиқадими, йўқми?",

ҚАРЗ ДАФТАРИ

қалтак ёнма-ён эди...

Қишнинг қора-қуруқ совуғи дўконга борғунча унинг тумшугида кичик дарчаси бор ун оёғидаги ботинкаси-дан мўралаб, аллақачон бармоқларини жизиллата бошлаган эди. Усти ҳам юпунлигидан ичи қалтираб кетди.

Дўкон кўчадан қўра илқик экан. Андатра телпагини кўзигача бостириб олган, устидан қалин пўстин кийган Раҳим Тош боланинг саломига бошини қимирлатиб, алиқ олди. Унинг мушукнига ўхшаган сарғимтир кўзлари гўё совуқдан ҳадиксираб мўлтираб турарди.

Қобил дўконда қўшниси Чинни холани кўриб, дарҳол унга ҳам салом берди.

– Ваалейкум ассалом. Яхшимисан Қобил. Онанг яхшими? – деб хол-аҳвол сўраган бўлди. Сўнг олган нарсаларини ҳисоблаштиш учун Раҳим Тошнинг олдида қўйди. Дўкончи ун қўлини пўстинининг чўнтагидан эриниб чиқарди-да, эски чўтни шакллатиб ҳисоблаб ташлади.

– Беш сўм бўлди, янга, – деди.

– Дафтарга ёзиб қўйинг, – деди Чинни хола "қарз" сўзини айтмай.

– Дафтар тўлган, ёзолмайман. Ёзишга жой йўқ!

– Шу сафар ҳам ёзиб қўйинг, ука.

Раҳмингиз келсин. Уйда бачагиналар оч утирибди. Тоғангиз икки ойдан бўён касалхонада, – деди хола астойдил ёлвориб.

– Эрингиз ўлиб қолса, қарзни ким ёпади? – жаҳли чиқди Раҳим Тошнинг.

– Худонинг раҳми келиб, шифо берар. Совуқ ният қилманг, ука, – деди хола кўз ёшларини артиб. Сўнг чўнтагини узоқ титқилаб, иккита гижимланган бир сўмликни чиқарди. – Мана, борини олинг, қолганини дафтарга ёзиб қўйинг, – деди-да дўкон пештахтасидан нарсалар солинган эски лата-сумкасини шартта олиб, дўкондан чиқди. Чиқаётиб дўконга киратган Ярашбойга урилиб кетишига сал қолди.

– Ҳа, янга бунча ҳовлиқасиз. Ким қувди, сизни? – деди у ўзини четга олиб.

Чинни хола узр сўраб, тез-тез

ёқтиришмасди. У гўдайиб катта гапирадиган оғзи каслардан эди. Ярашбой хўжалиқнинг ферма мудири эди. Узун-қулоқ гапларга қараганда, гўшт учун боқилаётган давлат буқалари орасида, унинг ҳам бир-икки бош хўкизи бор дейишади. Ўша буқаларга ишониб, каттазанглик қилар эмиш.

У Қобилнинг саломини эшитмади. Лекин нимпёладай катта-катта кўзлари билан унга ўқрайиб, совуқ қараш қилди.

– Сан Одилни ўғлимисан. Дирдираб нима қилиб турибсан. Ол, оладиган нарсангни, – деди дўкончи.

Қобил ота-онаси тайинлаган нарсаларни шартта айтди. Раҳим Тош қанд ва чойни тарозуда тортиб, қоғозга ўраб, у берган тўрхалтага солди. Ва яна сўради:

– Сан Одилни ўғлимисан. Дирдираб нима қилиб турибсан. Ол, оладиган нарсангни, – деди дўкончи.

Қобил ота-онаси тайинлаган нарсаларни шартта айтди. Раҳим Тош қанд ва чойни тарозуда тортиб, қоғозга ўраб, у берган тўрхалтага солди. Ва яна сўради:

– Сан Одилни ўғлимисан. Дирдираб нима қилиб турибсан. Ол, оладиган нарсангни, – деди дўкончи.



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Azamir MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Shahboz NIZOMIDDINOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Behzod QOBULOV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxon:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Nashr uchun mas'ul:

Kumush EGAMBERDIYEVA

Navbatchi:

Suhrobjon SADIROV

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 19.30.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-735.

3 050 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonani nashri:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.